

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

**Г.Юсупова**

Ўзбекистон халқ хўжалигида Фарғона иқтисодий районининг ўрни (ХХ асрнинг 50-70 йиллари мисолида) ..... 162

**Д.Юлдашева, Н.Набиева**

Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” ҳужжатли лиро-эпик қиссасида замонамиз қаҳрамони масаласи ..... 165

**И.Жўраев**

Бадий адабиётда ижтимоий-маиший муаммолар ифодаси ..... 168

**О.Холматов**

Э.М.Ремарк романларида уруш ва инсон талқини ..... 171

**С.Хақназарова**

Абдулла Шер асарларида миллий менталитет ва маҳаллий колорит ифодаси ..... 175

**А.Мамажонов**

Мазмуни умумлашган қўшма гаплар ..... 178

**Н.Қўлдашев**

Экологик лингвистика фанлараро илм-фан сифатида: манба ва динамика ..... 181

**М.Ғофурова**

Нутқнинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқланганлиги ва уни белгиловчи омиллар ..... 185

**У.Буриева**

Функционал дискурс таҳлили муаммолари ..... 189

**Д.Ҳакимова**

Нутқий мулоқотнинг гендерологик фарқланиш масалаларига оид ..... 192

**Ҳ.Сотволдиева**

Мақол ва маталлар оламни идрок этиш миллий хусусиятларининг инъикоси сифатида ..... 195

**М.Мамажонов**

Аллюзив антропонимлар ва уларнинг бадий матнда қўлланилиши ..... 198

**Ш.Имомназарова**

Ўлан ва лапар жанрларининг ўзаро муштарак ҳамда фарқли хусусиятлари ..... 200

**Ф.Анварова**

Синонимларнинг тилда қўлланилиши ..... 204

**М.Ҳайитова, М.Мирзаҳмедов**

Боғча болалари ўртасида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг баъзи педагогик асослари ..... 207

**Э.М.РЕМАРК РОМАНЛАРИДА УРУШ ВА ИНСОН ТАЛҚИННИ  
ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ВОЙНЫ И ЧЕЛОВЕКА В РОМАНАХ Э.М.РЕМАРКА  
WAR AND HUMANS INTERPRETATION IN NOVELS OF E.M.REMARQUE**

О.Холматов

**Аннотация**

Мақолада Э.М.Ремаркнинг уруш мавзусидаги асарлари, хусусан “Фарбий фронтда ўзгариш йўқ”, “Уч оғайни” ва “Лиссабондаги тун” романлари таҳлил қилинган. Ёзувчининг типик образлардан фойдаланиш, характер яратиш маҳорати ўрганилган.

**Аннотация**

В статье анализируются произведения Э.М.Ремарка на военную тему, в частности, романы “На Западном фронте без перемен”, “Три товарища” и “Ночь в Лиссабоне”. Изучено мастерство писателя использования типичных образов и создания характера.

**Annotation**

The article analyzes Remarque's war-related works, in particular, the novels “All Quiet on the Western Front”, “Three Comrades” and “The Night of Lisbon”. The author's skills in using typical images and creating character's art are studied.

**Таянч сўз ва иборалар:** уруш мавзуси, “йўқотилган авлод”, Э.М.Ремарк, роман, “Фарбий фронтда ўзгариш йўқ”, “Уч оғайни”, “Лиссабондаги тун”, пацифизм, реализм, бадиий маҳорат, типик образ.

**Ключевые слова и выражения:** тема войны, “потерянное поколение”, Э.М.Ремарк, роман, “На Западном фронте без перемен”, “Три товарища”, “Ночь в Лиссабоне”, пацифизм, реализм, художественное мастерство, типичный образ.

**Keywords and expressions:** the subject of war, “Lost Generation”, E.M.Remarque, the novel, “All Quiet on the Western Front”, “Three Comrades”, “The Night of Lisbon”, pacifism, realism, artistic skill, typical image.

Инсоният тарихининг бадиий адабиётда энг кўп акс этган воқеликларидан бири уруш ҳодисасидир. Уруш мавзусидаги асарлар қадимий тарихга эга бўлиб, уларнинг дастлабки илдизлари оғзаки ижод намуналарига бориб тақалади. Турли ҳалқларнинг оғзаки ижодидаги қаҳрамонлик эпослари ва жангномалар уруш ҳодисаларини ўзида акс эттирган дастлабки асарлар ҳисобланади. Антик адабиётда Геракл, Тесей, Ахиллес, Аякс, Одиссей, Эней каби қаҳрамонлар ҳақидаги афсоналар, рус фольклори қаҳрамонлари Илья Муромец, Алеша Попович ҳақидаги достонлар, “Роланд ҳақида қўшиқ” (Франция), “Сид ҳақида қўшиқ” (Испания), “Нибелунглар ҳақида қўшиқ” (Германия) каби қаҳрамонлик эпослари, “Артур ва думалоқ стол” (Британия) рицарлар романлари туркуми шулар жумласидандир. Уларда уруш ҳодисаси қаҳрамонларнинг куч-қудратини, фазилатлари ва маънавий қиёфасини кўрсатишида асосий восита бўлиб хизмат қилган. Қаҳрамонларнинг ботирлик, мардлик, ватанпарварлик, матонат ва қатъият каби хислатлари айнан уруш билан боғлик эпизодлар воситасида акс эттирилган. Бироқ, асрлар ўтиб, инсоният тафаккурида рўй берган ўзгаришлар ва жамият

тараққиёти натижасида адабиётда уруш ҳодисасига бўлган муносабат ўзгарган. Европа Уйғониш давридан бошлаб гуманистик ғоялар кенг тарқалиши натижасида инсонпарварлик, тинчликсеварлик руҳи бадиий адабиётга ҳам кириб келди. Эндиликда уруш вайронкор ҳодиса сифатида қоралана бошланди. XVIII – XIX асрлар адабиётида бу жараён янада кучайди. Шу даврда яратилган франциялик ёзувчи Виктор Гюгонинг “Тўқсон учинчи йил” романида фуқаролар уруши, яна бир француз ёзувчиси Проспер Мерименинг “Карл IX салатанати йилномаси” романида диний урушлар, инглиз шоири ва драматурги Жорж Гордон Байроннинг “Чайлд Гаролдинг зиёратлари” достонида эса мустамлакачилик урушлари қораланади.

XX асрга келиб Фарб адабиётида урушга нисбатан салбий муносабат янада кучайиб, адабий жараёнда етакчи ўринга чиқди. Бунинг асосий сабаби I Жаҳон уруши бўлди. Бу уруш таъсирида Фарб адабиётида “йўқотилган авлод” йўналиши вужудга келди. Бу мавзудаги асарларда уруш туфайли ҳаёти барбод бўлган инсонларнинг тақдирни ва ўй-кечинмалари реалистик образлар воситасида тасвирланди.

О.Холматов – ФарДУ адабиётшунослик йўналиши магистранти.

“Йўқотилган авлод” адабиёти вакилларига мисол қилиб А.Барбюс, Э.М.Ремарк, Э.Хемингуэй, Р.Олдингтон, У.Фолкнер, Ф.С.Фицжеральд каби ёзувчиларни келтириш мумкин.

XX аср Farb адабиётида уруш ва инсон масаласини тасвирлаган энг сермахсул ижодкорлардан бири немис ёзувчиси Эрих Мария Ремарк эди. Сайджалол Сайдмуродов ёзувчи ижоди ҳақидаги “Тинчлик номи ила” номли мақоласида шундай фикрни илгари суради: “Ремарк романларининг қаҳрамонлари икки турга бўлинади: биринчиси – урушдан қайтган, лекин ҳамон урушнинг салбий таъсиридан азият чекаётган собиқ аскарлар; иккинчиси уруш оқибатлари сабабли ватанларини ташлаб чиқишга мажбур бўлган муҳожирлар”dir [1,7]. “Farbий фронтда ўзгариш йўқ”, “Уч оғайни” романларининг қаҳрамонларини биринчи турга, “Лиссабондаги тун” романидаги образларни эса иккинчи турга киритиш мақсадга мувофиқ. Ремарк асарларидаги воқеалар, қаҳрамонлар тақдирининг ишонарли ва ҳаётий чиқишининг сабаби муаллифнинг биографияси билан боғлиқ бўлиб, адабнинг ўзи ҳам бу урушда қатнашган. Шу сабабли Ремарк асарлари autobiographik хусусиятга эга. Бу жиҳатга рус олими И.Фрамкин ҳам алоҳида эътибор қаратиб, “Ремаркнинг антифашистик романлари” номли мақоласида шундай дейди: “Ремарк асарлари ўз даври ҳаёти ва жамиятини тасвирлайди. Бу борада ижодкорнинг ўзи қўйидаги фикрни билдиради: “Менинг қаҳрамонларим – асримиз инсонлари, мен улар мисолида ўз ҳаётим ва кечинмаларимни баён этаман”. Бу орқали ёзувчи асарларининг autobiographik характер касб этишини ҳам таъкидлайди” [2,7]. “Farbий фронтда ўзгариш йўқ” романни ҳали катта ҳаётга қадам қўйиб улгурмаган ўсмир ёшларнинг жанг майдонига ташланиши, фронт даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган қаҳрамонлар онгода, руҳиятида пайдо бўлган ўзгаришлар, жанг майдонидаги фожиали ҳолатлар тасвирига бағишлиланган. Бу роман қўйидаги жумлалар билан бошланади: “Бу китоб айбнома ҳам, авфнома ҳам эмас. Бу шунчаки уруш дастидан жувонмарг бўлган авлод ҳақидаги, гарчи замбарақ ўқидан омон қолган бўлса-да, шу урушнинг қурбонига айланганлар тўғрисидаги кўнгил изҳоридир” [3,5].

“Farbий фронтда ўзгариш йўқ” романни қаҳрамонлари: Паул Боймер, Кропп, Мюллер,

Тяден, Лейер, Кеммерих, Катчинский каби персонажлар I жаҳон урушида иштирок этган авлоднинг типик вакиллари. Улар асар давомида бу урушнинг ғайриинсоний моҳиятини англаб етадилар. Роман бош қаҳрамонларидан бири Паул Боймер тилидан айтилган қўйидаги фикрлар роман персонажлари асл ҳақиқатни тушуниб эта бошлаганлигини англатади: “Улар ҳамон мақолалар ёзишар, нутқлар сўзлашарди; биз эса кўчма шифохона-ю жон таслим қилаётгандарини кўриб улгургандик. Улар ҳамон ватанга хизмат қилишдан ортиқ олий неъмат йўқ, дея айюҳнос солишаради; биз эса ўлим даҳшати ундан-да кучлироқ эканини билардик. Аммо бу билан бирортамиз қочоқ, исёнчи ёки қўрқоқ бўлиб қолганимиз йўқ (бундай сўзлар оғзининг бир четидан чиқиб кетарди уларнинг), ватанни улардан кам севмасдик, жангга кираётib бирор марта тиззамиз қалтирамаган; аммо энди ниманидир фарқига етамиз, гўё бирдан улғайиб қолгандай бўлдик...” [3,16] Ушбу кичик парчада ёш авлоднинг уруш жараёнига бўлган муносабати ўз ифодасини топган. Бу жумлалар фош этиш хусусияти билан аҳамиятли. “Farbий фронтда ўзгариш йўқ” романида бош қаҳрамон сифатида ёшларнинг танлангани бежиз эмас. Бу орқали ёзувчи, аввало, ҳаётий асосга эга бўлган воқеаларни тасвирлаган. Иккинчидан, асарларда тасвирланган ёш авлоднинг фожиаси орқали урушнинг нафақат бугунги кун учун, балки жамият ва инсоният келажаги учун ҳам зарарли эканлигини таъкидламоқчи бўлган.

“Йўқотилган авлод” йўналишидаги асарларнинг қаҳрамонлари ҳақида рус тадқиқотчиси Е.В.Староверова ўзининг “Проблема “потерянное поколение” в литературе” китобида шундай фикр юритган: “Барча “йўқотилган авлод” қаҳрамонларига хос умумий хусусият шундан иборатки, улар доимий равища ўзларининг нима учун урушда қатнашганликларини англашга интиладилар. Бу образлар асар давомида шахс сифатида ўсиб борадилар, охир-оқибат ўзларининг иқтисод ва сиёsat манфаати учун курбон бўлганларини англаш етадилар.” [4,23]. Бу хусусият “Farbий фронтда ўзгариш йўқ” романига мос келади. Шунга асосланган ҳолда, ушбу роман “йўқотилган авлод” адабиёти намунаси сифатида қайд этилади.

Ремаркнинг “йўқотилган авлод” йўналишидаги асарларидан яна бири “Уч оғайни” романи бўлиб, ушбу асарда собиқ аскарларнинг урушдан кейинги ҳаёти баён

қилинган. Үнда I Жаҳон урушида қатнашган, урушдан кейин ҳаётда ўз йўлини топишга интилган турли тақдирлар ва характерлар тасвирланган. Ёзувчи аввалги асарида ўсмири ёшдаги йигитларнинг тақдирини тасвирлаган бўлса, “Уч оғайни” романида ўша ўспиринларнинг анча улғайган вакиллари ҳақида ҳикоя қиласди. Роман қаҳрамонлари реалистик хусусиятга эга бўлган типик образлардир. Асарда I Жаҳон урушидан ўн йил кейин рўй берган воқеалар тасвирланган. Лекин роман қаҳрамонлари урушнинг салбий таъсиридан қутула олмаганлар. Уларнинг руҳияти, жамият билан муносабати тасвирларида бу аниқ ифодаланган. Романнинг асосий қаҳрамонлари учун дўстлик, ичкилик, машина, пойгалар асосий юпач вазифасини бажаради. “Уч оғайни” романида муаллифнинг бадиий маҳорати ёрқин акс этган. Үнда қаҳрамонлар тилидан айтилган ҳаёт, жамият, муҳаббат ва бошқа инсоний түйғулар ҳақидаги оригинал фикрлар, табиат тасвирлари, ғамгин ва қувноқ лавҳаларнинг параллел ифодаланиши, инсон руҳиятининг мураккаб қирраларини баён этувчи психологияк тасвирлар оддий ва содда тарзда, аммо юксак бадиий маҳорат билан ифодаланган. Асар қаҳрамонларининг ўзаро сұхбатлари, хатти-ҳаракатларида, шунингдек, роман бош қаҳрамони Роберт Локампнинг ўй-мулоҳазаларида “йўқотилган авлод”га хос хусусиятлар яққол кўзга ташланиб турди. Ушбу қаҳрамон тилидан айтилган қуйидаги жумла бунинг исботидир: “Биз ўтмишимизга даҳлдор барча нарсага қарши – сохталик ва худбинлик, очкўзлик ва шафқатсизликка қарши курашмоқчи эдик; биз бағритош бўлиб қолдик ва яқин ўртоғимиздан бошқа ҳеч кимга, бизни ҳеч қачон алдамаган осмон, тамаки, дараҳтлар, нон ва заминдан бўлак ҳеч нарсага ишонмай қўйдик. Натижада бари емирилди, қалбакилашди ва унуптилди. Унута олмаганларнинг улуши эса фақат ночорлик, ноумидлик, лоқайдлик ва ичкилик бўлди. Буюк инсоний ва мардона талпинишлар даври ўтди. Корчалонлик, сотқинлик ва қашшоқлик тантана қилди...” [5,53] Ушбу парчада қаҳрамон тилидан урушдан кейинги ижтимоий ҳаёт ва жамиятга бадиий муносабат билдирилган.

Романда ўша давр ижтимоий ҳаётига оид турли лавҳалар, хусусан, иқтисодий қийинчиликлар, ишсизлик, одамлардаги саросима ва келажакка бўлган ишончининг йўқолгани каби тафсилотлар ҳам етарлича учрайди. Айниқса, Хассе образи тасвирида бу жараёнлар аниқ акс эттирилган. Бу образ

асарда қуйидагича тасвирланади: “...У ишсиз қолишдан қўрқиб, юрак ҳовучлаб яшайди. Агар ишдан ҳайдалса – тамом. Хассе қирқ беш ёшларда эди. Бу ёшдаги одамни ким ишга олади? Илгари бунчаликмасди, қоқилган одам ўзини ўнглаб кетарди, ҳозир эса ишдан бўшасанг – умрбод кўчада қоласан...” [5,23] Хассе образи воситасида уруш таъсирида вужудга келган даврнинг ижтимоий муаммолари ва уларнинг инсон ҳаёти, руҳиятига таъсири ифодаланган.

Валентин Гаузер образи ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бу қаҳрамон урушда баҳтли тасодиф сабабли ўлимдан қутулиб қолган инсон бўлиб, урушдан кейин катта мерос олган. Шундан бери ҳар куни тирик қолганини нишонлаш учун ресторон ва кафеларда дўстлари ва ўртоқлари билан майшат қиласди. Бу қаҳрамон ҳаётини ижобий томонга ўзгаририш учун қолган персонажлардан кўра кўпроқ имкониятга эга, бироқ у ҳам асардаги бошқа образлар сингари юксак мақсадлар ва улуғвор ғоялар билан яшамайди. Аксинча, қолган умрини имкон қадар хурсандчилик билан кечиришга интилади. Асарнинг деярли барча қаҳрамонлари руҳиятида шундай кайфият мавжудлиги уларнинг умумий хусусиятидир.

Роберт Локамп ва Патриция Холманлар ўртасидаги муҳаббат тасвири романнинг энг катта бадиий ютуғидир. Бу икки қаҳрамон муносабатларини тасвирлашда контраст усулидан муваффақиятли фойдаланилган. Муҳаббат сабаб уларнинг баҳтли ўтказган кунлари тасвирида ҳаётсеварлик, гўзаллик ва юқори кайфият кўринса, ушбу муҳаббатнинг фожиали айрилиқ билан тугаши орқали ўша даврдаги оғир ҳаётда соғ ва самимий түйғулар узоқ яшолмайди, деган маънодаги фикр сезилиб турди. Патрициянинг бевақт ўлими ҳам урушнинг салбий асорати таъсирида юз беради. Доктор Жаффенинг таъкидлашича, Патриция уруш йиллари тўйиб овқат емаганлиги сабабли касалликка йўлиқкан эди. Бу касаллик охир-оқибат унинг ўлимига сабаб бўлади. Демак, бу ерда ҳам фожианинг асосий сабаби уруш. Бу уруш романнинг барча қаҳрамонлари тақдирига салбий таъсир кўрсатади. Шу тариқа, муаллиф урушни қоралайди ва пацифизм ғоясини илгари суради.

Ремаркнинг “Лиссабондаги тун” романи муҳожирлик мавзусидаги асарлар сирасига киради. Роман воқеалари кечадиган Оsnabрюк (Ремарк туғилган шаҳар), Франция, Швейцария ва АҚШ (Ремарк яшаган жойлар)

ҳудудларнинг географиясига эътибор берилса, бу асар ҳам автобиографик хусусиятга эга эканлиги маълум бўлади. “Лиссабондаги тун”да ҳам шу мавзудаги бошқа асарларида бўлгани каби муҳожирлик азоблари, фашизмнинг ёвузликлари тасвиранади. Романнинг дастлабки жумлаларида қаҳрамон тилдан XX аср Европасига таъриф берилади: “Лиссабонга келганимга бир ҳафта бўлганимга қарамай, шаҳарнинг чарақлаб ёниб турган чироқларига ҳамон кўниколмасдим. Камина бўлган юрт ва шаҳарларда тун кўмири шахталари каби зулматга чўмган, чироқ нури эса ўрта асрлардаги вабодан хавфлироқ эди. Мен йигирманчи аср Европасидан келгандим.” [1,9] Фашизм ва уруш таъсирида ҳалокат арафасига келиб қолган Европанинг тасвири кейинги жумлаларда янада батафсил баён қилинади. Қочоқлик, ватангандолик авж олаётгани таъсирили йўсинда қуидагича ифодаланади: “1942-йилда Европани тарк этадиган барча кема нажот кемаси эди. Америка Арапатмонанд юксалиб борар, тошқин ҳам кун сайин кўтарилади. Тошқин аллақачон Германия ва Австрияни фарқ қилган, Париж чўкиб кетган, кўланса оқимда қолган Италия шаҳарлари бўғилиб энтикар, ҳатто Испаниядан ҳам нажот қолмаганди... Америкага қочмаганин муқаррар ҳалокат кутарди. Улар уруш тамом бўлгунча озодликдан маҳрум этилишга, ёлғизлик қисматига, урушнинг доимий таъқибига, қўркув ва муҳтоҷликка маҳқум эдилар. Инсон дегани кераксиз матоҳга айланган, ишончли паспорт, тирик қолишнинг ягона кафолати эди.” [1,10] Бу епизодларда уруш йилларидағи оғир аҳвол қаҳрамон муносабати фонида тасвирангган.

#### Адабиётлар:

- Сайдмуродов С. Тинчлик номи ила. // Ремарк Э.М. Лиссабондаги тун. Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
- Ремарк Э.М. Избранное. II том. – М.: Правда, 1990.
- Ремарк Э.М. Фарбий фронтда ўзгариш йўқ. – Т.: Янги аср авлоди, 2016.
- Староверова Е.В. Проблема “потерянное поколение” в литературе. – Санкт-Петербург: “Лицей”, 2005.
- Ремарк Э.М. Уч оғайни. – Т.: ШАРҚ, 2015.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).

Тошқинга ўхшатилган фашизмнинг Европани ҳалок қилаётгани бадий акс эттирилган.

Романнинг икки асосий қаҳрамонлари: Иосиф Шварц ва Елена образлари тақдирида ҳам муҳаббат, айрилиқ ва ўлим мотивлари мавжуд. Лекин ушбу романнинг қайгули якун билан тугашига қарамай, самимий муҳаббат тасвири орқали эзгулик тантанасига ишонч руҳи сезилиб туради. Романда ёвузлик хукмронлик қилаётган муҳитда ҳам эзгулик мавжудлиги ғояси билан бир қаторда урушнинг инсонлар тақдири учун салбий оқибатлари ҳам акс эттирилган. Шу хусусиятига кўра, “Лиссабондаги тун” романни “Уч оғайни”га ўхшайди. Бу орқали Ремарк ижодига хос бўлган пацифизм ғояси яна бир бор ўз бадий ифодасини топган.

Хуллас, Э.М.Ремарк ижодида уруш ва инсон масаласи етакчи ўринда туради. Ёзувчининг “Фарбий фронтда ўзгариш йўқ” романнida урушда қатнашаётган ёшларнинг фронтда кечирган азоблари, уруш сабабли ёшлар руҳиятида содир бўлган ўзгаришлар ва фронтдаги ҳолатлар реалистик усуулда тасвиrlаган бўлса, “Уч оғайни” романнida уруш оқибатлари кейинги ҳаётига ҳам таъсир кўрсатган инсонларнинг тақдирлари типик образлар воситасида ифодаланган. “Лиссабондаги тун” романнida эса муҳожирлик мавзуси асосий ўринда туради. Демак, Э.М.Ремарк ҳар икки жаҳон урушининг жонли гувоҳи сифатида ўз асарларида урушни қоралайди. Пацифизм ғоясини уруш туфайли фожиали тақдир эгаларига айланган инсонларнинг типик образлари орқали ифодалайди.